



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2015-yil 2-iyul, payshanba, 27 (607)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАЛҚИМИЗ БИРДАМЛИГИНИНГ САМАРАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 30 июнь – 1 июль кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи кунини Касби туманидаги «Камол Султон» фермер хўжалиги даласига ташриф буюрди.

Қашқадарёлик деҳқонлар бу йил 145 минг гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўрим-йғим ишлари қизғин давом этмоқда. «Камол Султон» фермер хўжалиги алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. 67 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олинмоқда.

Ғаллачиликда, айтиш мумкин, пахтачиликда ҳам муҳим бўлган мана шу кунларда сизлар каби меҳнаткаш деҳқонларимиздан ҳолаҳвол сураш, ҳорманглар, деб мададор бўлиш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгаргани, ер билан ишлаш ва деҳқончилик маданияти юксалгани мана шу обод далаларда, мўл-кўл ҳосилларда намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда 8 миллион тоннадан зиёд ғалла етиштирилмоқда. Бундай улкан хирмоннинг бунёд этишининг ўзи бўлмайди, албатта. Бу, авваламбор, сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга

оширилган ислохотлар, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг бирдамлиги самарасидир.

Собиқ тузум даврида Қашқадарё вилояти қоқоқ тудуд эди. Турли адолатсизликлар туфайли одамлар турмушдан норози, ҳаётдан ноумид бўлиб қолганди. Республикага газ етказиб берадиган вилоятда атиги 4 фойз аҳоли табиий газдан фойдаланиш имконига эга эди, холос.

Бугунги кунда Қашқадарё ҳар томонлама ривожланган вилоятга айланди. Мамлакатимиз сановат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи, дон ва пахтанинг катта қисмини айнан шу вилоят етказиб бермоқда.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Кечаги кунни унутмаслигимиз, уни бугунги кун билан солиштириб, хулоса чиқариб яшашимиз керак. Бу бизни огоҳликка, ҳаётнинг қадрига етишга, эртанги кун бундан ҳам фаровон бўлади, дея ишонч ва интилиш билан ҳаракат қилишга ундайди, деди Ўртбошимиз.

Президентимиз Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида амалга ошириладиган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган саволга жавоб эканини, улар вилоят қиёфасини ўзгартириб, аҳоли фа-

ровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Қарши шаҳрининг худуди кенгайтирилмоқда. Янги автостанция ва вокзаллар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объеклари, канализация ва коммуникация тармоқлари бунёд этилмоқда. Аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун янада кенг қулайликлар яратилмоқда.

Шаҳрисабзда ҳам улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Оқсарой мажмуаси атрофидаги майдон кенгайтирилиб, Чорсу бозори, Кўкғумбаз обидаларини боғловчи сўлим хиёбон барпо этилаётир. Шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш мақсадида Қарши шаҳрига борадиган 129 километрлик замонавий йўл қурилмоқда.

Қашқадарё буюк Соҳибқирон Амир Темурни воёга етказган замин. Бу ерда у зотнинг авлодлари – ғурури баланд, мард ва танти одамлар яшайди, деди Ислам Каримов.

Президентимиз фермер ва ишчиларнинг меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун яратилган имкониятлар, оилавий шароитлари билан қизиқди. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, узоқни кўзлаб олиб бориладиган

оқилона сиёсат ва изчил ислохотлар самарасида халқимиз турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари пахта ҳосили ривожига ҳам аҳамият қаратди. Қашқадарё иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил навларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Қашаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги раҳбари Абдимурод Бозоров, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноят, вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, Касби туманидаги «Жизза замин нури» фермер хўжалиги раҳбари Тошпўлат Боқиев, Ғузор туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раъно Жонқувватова, Шаҳрисабз туманидаги «Заргарлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Нодира Абдуллаева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар самараси ҳар соҳада намоён бўлаётганини, одамларнинг турмуш тарзи, давлатимизнинг халқаро нуфузи тобора юксалиб бораётганини фахр билан таъкидлади.

Ҳаракат бор жойда албатта натижа бўлади

Маълумки, истиқлолнинг илк кунлариданоқ ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди, бу борада ўнлаб қарор ва фармонлар қабул қилинди. Ҳар томонлама соғлом, интеллектуал салоҳиятли, бир ёки бир неча касб-хунарни эгаллаган ёшларни тарбиялаш мақсадида Ўртбошимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий қилинди. Бугунги кунда замон талаблари асосида жиҳозланган мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари қишлоқларимиз, шаҳарларимиз кўрғига кўрк кўшиб турибди. Уларда минглаб ёшларимиз таълим-тарбия олиш билан бирга, ўзлари танлаган касб-хунар сирларини ҳам пухта эгалламоқдалар

Мамлакатимизда юриштиладиган оқилона ва одилона ёшлар сиёсати навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол, Ватанга садоқатли, интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли этиб тарбиялашга йўналтирилган. Тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бу борадаги мақсад ва вазифалари ҳам давлат сиёсатига ҳамроҳдир. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг мамлакатимиз келажагини яратиш йўлидаги изланишларини рағбатлантириб бориш O'zLiDePнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Айни пайтда Жиззах вилоятида мавжуд 543 та умумтаълим мактабини тамомлаган 20 минг 949 нафар ўқувчи академик лицей ва касб-хунар коллежларига кириш учун тайёргарлик кўраётган бўлса, 4 та академик лицей ва 75 та касб-хунар коллежини тамомлаган 18 минг 716 нафар ёшнинг баъзилари олий ўқув юртига давом эттириши, 18 минг 565 нафари уч томонлама тузилган шартномалар асосида меҳнат фаолиятини бошлашни режалаштиришган, 1499 нафар талаба ўз бизнес-режасини амалга ошириб, кичик бизнес билан шуғулланишни ният қилиб қўйишган. Шу кунга қадар 90 нафар битирувчига ўз фаолиятини бошлаш учун тижорат банклари томонидан 758 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Маъмур қатлам орасида тadbirkorlik кўникмаларини шакллантириш, уларни бизнеснинг турли йўналишларига жалб этиш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири бўлмоқда.

Спортчиларимиз Бутунжаҳон университетларида қатнашади

Жорий йилнинг 3-14 июль кунлари Жанубий Кореянинг Кванжу шаҳрида бўлиб ўтadиган XXVIII Бутунжаҳон университетларида 170 давлатдан 12 минг нафардан зиёд талаба-ёш 21 спорт тури бўйича 272 медаллар жамланмаси учун курашади.

Нуфузли мусобақада Ўзбекистон спорт делегацияси таркибига 31 нафар талаба спортнинг академик эшак зини, енгил атлетика, таэквондо (WTF), теннис, қиличбозлик, спорт гимнастикаси, бадний гимнастика ва дзюдо турлари бўйича баҳсларда қатнашади.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук ёш авлодини тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш Президентимиз Ислам Каримов юртайётган сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда спортни оммалаштиришга қаратилган алоҳида эътибор замирида ана шу эзгу мақсад муважасам.

Бу борада ўғил-қизларнинг маҳорат мактабига айланган уч босқичли спорт ўйинлари — «Ҳимид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақалари янги-янги истеъодларни кашф этиш ва уларни катта спортга тайёрлашда муҳим омили бўлаётир.

Бутунжаҳон университетларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга бел болаган спортчиларимиз орасида уч босқичли спорт тизими мусобақаларидан етишиб чиққан иқтидорли йигит-қизлар кўпчилигини ташкил этади.

Ўзбекистон спортчилари ёзги университетларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2013 йили Россиянинг Қозон шаҳри мезбонлик қилган XXVII Бутунжаҳон университетларида талабаларимиз 2 олтин, 7 кумуш ва 10 бронза медални қўлга киритган.

Бу галги Бутунжаҳон университетларида ўзбек спортчилари учун 2016 йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинларига ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтadиган XXXI ёзги Олимпия ва ХУ Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори бунда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

— Нуфузли мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш биз, спортчилар учун энг катта бахт, — дейди дзюдо бўйича халқаро турнирлар совридор Шухратжон Арслонов. — Бутунжаҳон университетларида мамлакатимиз ёшлари ҳеч қандай кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлашга, Президентимиз ва халқимизнинг юксак ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Бутунжаҳон университетларининг тантанали очилиш маросими 3 июль кунини бўлиб ўтади. (УЗА)

Фракция муҳокамасидаги муҳим масалалар

O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида партия электорати манфаатларига алоқадор қонун лойиҳалари муҳокама этилди

Дастлаб «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Аҳамиятлиси, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ тайёрланган мазкур қонун лойиҳаси O'zLiDeP дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамроҳдир. Қайси маънодаки, партия ўз Дастурида инвестицияларни жалб этиш сиёсати орқали юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш соҳалари ривожига бевосита таъсир кўрсатувчи лойиҳаларни молиялаштириш, экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, ички бозорни аҳоли учун арзон, маҳаллий, рақобатбардор маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирини назарда тутади.



Солтқ. ЭОИР олган сурат

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

КЕКСАЛАРНИ ЭТСАНГ АЗИЗУ ИЗЗАТ, СЕНИ ХАМ КЕКСАЙГАЧ ЭТИШАР ҲУРМАТ.
Мирзо Абдулқодир БЕДИЛ.

«ОЗГИНА ЭЪТИБОР БИЛАН ХАЛ ЭТИЛАДИГАН МАСАЛАЛАР БОР»

Кучли демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотлар натижаси ўлароқ майдонга чиққан Тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўтган фурсатда ўзининг мамлакат тараққиётига ижобий таъсир эта оладиган муносиб сиёсий куч эканлигини кўрсатиб улгурди. Партия Устави ҳамда Дастурида белгиланган устувор вазифаларни бажаришда унинг сафида фаолият юритаётган навоийлик маслакдошларимиз — O'zLiDePдан сайланган депутатларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

КЕЛГУСИ СОНДА

БУГУНГИ СОНДА:

- ИСЛОХОТ Худудий конференциялар** 3
- ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХАЛАР Тандирда пиширилган торт** 4
- ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА Электорат манфаатларини ҳимоялашнинг бошланғич механизми** 5
- СЎНГГИ САҲИФА Тарал жаҳонга шарқ таронаси!** 8

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти	1 Австралия доллари	1954,27	1 АҚШ доллари	2555,60	1 Хитой юани	411,60	1 Польша злотийси	672,14	1 ЕВРО	2873,61
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 30 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қийматини белгилади.*	1 Англия фунт стерлинги	4012,80	1 Миср фунти	335,16	1 Россия рубли	46,62	1 СДР	3594,86	10 Жанубий Корея вони	22,76
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	1 Дания кронаси	377,02	1 Исландия кронаси	19,33	1 Украина гривнаси	121,61	1 Туркия лираси	944,91	10 Япония иенаси	208,40
	1 БАА дирхами	695,82	1 Канада доллари	2073,00	1 Малайзия ринггити	675,82	1 Швейцария франки	2722,20		

ИСЛОҲОТ

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАЛҚИМИЗ БИРДАМЛИГИНИНГ САМАРАЛАРИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ислом Каримов Косон туманидаги «Пудина массиви» фермер хўжалиги даласида ҳам бўлди.

Ушбу хўжалик аъзолари бу йил 31 гектардан ортиқ майдонда ғалла етиштириб, унинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олди.

Муस्ताқилликнинг илк йилларидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Фермерлар халқимиз ризқ-рўзини етиштириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қиладиган қудратли кучга айланди. Лекин фақат ғалла ва пахта билан

юсак фаровонликка эришиб бўлмайди. Фермерларга янада кенг эркинлик бериш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини изчил ривожлантириш зарур, деди Юртбошимиз.

Инсон бахт учун дунёга келади, деган ибора халқимиз орасида эзгу даъватга айланди. Одамлар ҳаётнинг маъносини тушуниб етмоқда, дунёқарши ўзгармоқда. Бугунги авлод билан саксонинчи йиллардаги одамлар ўртасида осмон билан ерча фарқ бор.

Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон мазкур рейтингда 5-ўринни эгаллади. Халқимиз-

нинг тинимсиз меҳнати, изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли кўлга киритилаётган бундай улкан ютуқлардан ҳар биримиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшава ҳақлимиз, деди Президентимиз.

«Нуроний» жамғармаси Косон тумани бўлими раиси Раҳим Турдиев, «Обидийда» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Наби Бадилов, 15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Зумрад Боймуродова, Қарши давлат университети ахборот-ресурс маркази директори Роҳила Ҳалимова ва бошқалар бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятидаги тараққиёт, ўзгаришлар

одамларнинг кўнглини кўтарилган, ҳаёт сифатини ошираётгани, янги марралар сари руҳлантираётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, уларда билдирилган фикрлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юсак самаралар билан бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қилаётганини яна бир бор намоён этди.

Анвар САМАДОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Фракция муҳокамасидаги муҳим масалалар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Масалала шу нуқтаи назардан ёндашган депутатларнинг фикрича, мазкур ҳужжат аҳолининг бўш пул маблағларини иқтисодиёт тармоқларини молиялаштиришга йўналтириш орқали жамоавий инвестициялаш тизимини яратишни рағбатлантиришда муҳим омил бўлади.

— Партияимиз позициясидан келиб чиқиб баҳо берадиган бўлсак, янги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорларга профессионал бошқарув, таваккалчиликларни диверсификация қилиш, харажатларни камайтириш ва бозор конъюнктурасининг ўзгаришларига нисбатан оператив иш тутиш механизмидан фойдаланиш имконини яратади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Ўткир Бутаев. — Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, инвестиция ва пай фондлари, деганда аҳоли пул маблағлари ва бошқа активларини профессионал менежерларга бошқариш учун топириш механизми тушунилади. Қонун лойиҳасида кўзда тутилган янгилик бу мамлакатимизда жамоавий инвестициялашни ривожлантиришга қаратилган пай фондларини ташкил этишдир. Мазкур фондлар, ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвестиция киритиш орқали уларни ривожлантиришга қўллаб-қувватлашга йўналтиришга қаратилган пай фондларини ташкил этишдир. Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қўриб чиқилди. Унда Жиноят қўриб чиқилди. Унда Жиноят қўриб чиқилди. Унда Жиноят қўриб чиқилди.



фондларига аъзо бўлган аҳолининг даромадлари ортиб боради.

Мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида ишчи гуруҳи томонидан бу борадаги халқаро тажриба ҳам ҳисобга олинди. Бундан ташқари, соҳа мутахассислари ва жамоат бйраси аъзоси Ўткир Бутаев. — Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, инвестиция ва пай фондлари, деганда аҳоли пул маблағлари ва бошқа активларини профессионал менежерларга бошқариш учун топириш механизми тушунилади. Қонун лойиҳасида кўзда тутилган янгилик бу мамлакатимизда жамоавий инвестициялашни ривожлантиришга қаратилган пай фондларини ташкил этишдир. Мазкур фондлар, ўз навбатида, иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвестиция киритиш орқали уларни ривожлантиришга қўллаб-қувватлашга йўналтиришга қаратилган пай фондларини ташкил этишдир.

Қизгин баҳс-мунозара руҳида ўтган йиғилишда фракция аъзолари «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини маъқулладилар.

Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қўриб чиқилди. Унда Жиноят қўриб чиқилди. Унда Жиноят қўриб чиқилди. Унда Жиноят қўриб чиқилди.

қисмига озодликдан маҳрум қилиш жазосига тайинланаётган аёллар ва олтимиш ёшдан ошган эркеклар учун белгиланган жазонинг максимал муддатини амалдаги тўртдан уч қисмидан учдан икки қисмига камайтириш назарда тутилаётган. Мазкур масалала муносабатини билдирган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Владислав Цветков инсонпарварлик тармоқлари ўртасида сармоянинг эркин оқимини таъминлаш, инвесторларга ва аҳолининг кенг қатламларига капитал бозорига кириш имкониятини бериши билан аҳамиятлидир.

Йиғилиш якунида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифалар

Пойтахтимизда «Ўзбекистон чорвачилиги: эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлолнинг илк кунлариданоқ иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз турмуш даражасини ошириш мақсадига шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш, томорқа учун ер майдонлари ажратиш, деҳқончилик қилиш ва чорва молларини кўпайтириш учун кенг имкониятлар яратилди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarидида чорва молла-

рини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 21 апрелда имзолаган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиklarидида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш учун чорва молларини кўпайтиришга қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

Изчил чора-тадбирлар натижасида сўнгги беш йилда мамлакатимизда қорамоллар

121 фойзага, майда шохли моллар 120 фойзага, парранда 1,5 марта кўпайди. Бу тўғрисида таъкидланди. 2014 йилда ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини аҳоли жон бошига ҳисобланганда бир йиллик истеъмол миқдори 1990 йилга нисбатан гўшт 1,3, сўт 1,6 ва тухум 1,5 марта кўпайган.

— Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яппи улushiнинг 42 фоизи чорвачилик ҳиссасига тўғри келмоқда, — дей-

ди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Собиржон Мавлонов. — Бунга чорва молларини кўпайтириш ва махсулдорликни ошириш ҳисобига эришилмоқда. Мисол учун, 2006-2014 йилларда Украина, Беларусь, Польша, Австрия, Германия, Голландия каби мамлакатлардан 46 мингга яқин юқори махсулдорликка эга қорамол олиб келинди. Улардан 163 минг бузоқ олинди.

Тадбирда чорвачиликни янада ривожлантириш, аҳолини сифатли ва арзон махсулотлар билан таъминлаш мақсадига ҳар бир худуднинг географик жойлашуви асосида асарчилик, балчилик, паррандачилик, туячилик, йилқичилик каби тармоқларни ривожлантириш, зооветеринария пунктлари ва лабораторияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мустаҳкам озуқа базасини яратиш каби масалалар бўйича фикр алмашилди.

Мусурмон РЎЗИЕВ.

«ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАР ОРГАНИ КОНФЕРЕНЦИЯ ҲИСОБЛАНАДИ. КОНФЕРЕНЦИЯ БЕШ ЙИЛДА КАМИДА БИР МАРОТАБА, ПАРТИЯ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КЎРИНИШИДА ЎТКАЗИЛАДИ ВА КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИНИНГ ЯРМИДАН КЎПИ ИШТИРОК ЭТГАН ТАҚДИРДА ВАКОЛАТЛИ ҲИСОБЛАНАДИ. КОНФЕРЕНЦИЯГА ДЕЛЕГАТЛАР ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН ВАКИЛЛИК МЕЪБЕРИ АСОСИДА САЙЛАНДИ. КОНФЕРЕНЦИЯ ВАКОЛАТЛАРИГА ҚЎЙИДАГИЛАР КИРАДИ: — ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИ, СЪЕЗД, СИЁСИЙ КЕНГАШ ВА СИЁСИЙ КЕНГАШ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚАРОРЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ТЕГИШЛИ ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРНИ БЕЛГИЛАШ; — ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КЕНГАШИ ВА НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ (УСТАВНИНГ 7.4.4.-БАНДИ ВА 7.7.3.-БАНДИДАГИ ХОЛАТЛАР БУНДАН МУСТАСНО); — ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КЕНГАШИ, НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ҲИСОБОТЛАРИНИ ЭШИТИШ ВА УЛАР ЮЗАСИДАН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ; — БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМияТИНИНГ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ КЎРСАТИШ (УСТАВНИНГ 7.4.7.-БАНДИДАГИ ХОЛАТЛАР БУНДАН МУСТАСНО); — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА ДЕЛЕГАТЛАРНИ САЙЛАШ».

О'zLiDeP Уставидан.



ИШОНЧНИ ОКЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Термиз шаҳрида О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши конференцияси бўлиб ўтди.

Анжуман делегатлари О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Олимжон Соибназаровнинг хуудий ташкилот томонидан 2011-2015 йиллар давомида олиб борилган ишлар тўғрисидаги маърузасини тинглаб, атрофлича муҳокама этдилар.

Нотик таъкидлаганидек, ҳисобот даврида партия вилоят ташкилот амалга оширилаётган ислоҳотларга масъулият ҳисси билан ёндашиб, мамлакатини модернизация қилиш ва янгилаш жараёнида фаол иштирок этди. Либерал ғояларнинг омаллашувиغا эътиборни қўйиб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш борасида муайян ишларни амалга оширди.

Хусусан, «Мулкдор оила», «Тадбиркорлар мулоқот форуми», «Ишбилармон талаба», «Парламентда менинг ўрним», «Агар мен депутат бўлсам...», «Диплом билан — бизнесга» каби лойиҳалардан минглаб хотин-киз ва ёшлар иштирок этиб, сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий-иқтисодий билимларини олиштириб, Тадбиркорлик билан шуғулланиш кўникмаларини ҳосил қилди. Бунинг натижасида вилоятда ишбилармонлар янада кўпайди. Хунармандчилик билан шуғулланиш истагини билдирган йигит-қизлар ҳам орди. Чунончи, ҳисобот даврида О'zLiDePнинг биргина «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида иштирок этган касб-хўнақ таълими муассасаларининг юзга яқин битирувчисига тижорат банкларида қариб 470 миллион сўмлик имтиёзли микрокредит олишга қўмаклашиб, 150 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Тадбиркорлик таъминлилари ва

ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» сингари лойиҳалар ҳам хайрихоҳаримизнинг тадбиркорлик кўникмаларини мустаҳкамлашга, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини юксалтириб, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда яхши самара берди.

Жойларда амалга оширилаётган ана шундай кенг қамровли ишлар натижасида партия сафлари янги аъзолар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Масалан, ўтган йилги вилоятда 426 бошланғич ташкилот ўз сафига 20 минг 496 аъзони бирлаштирган бўлса, жорий йилда воҳада О'zLiDeP бошланғич ташкилотлари сони 119 тага, партия аъзолари 1 минг 346 нафарга ошди.

Конференцияда, шунингдек, О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди.

Маърузалар муҳокамаси пайтида сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати аъзоси Очилди Хидиров, парламент қўйи палатасидаги фракциямиз вакили Соҳибжон Исмоилов, О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Дилбар Валиева ва бошқалар ҳисобот даврида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Ўтган сайловда О'zLiDeP вакилларига вилоятда сайловчилар томонидан билдирилган ишончни оқлаш учун амалга оширилган ишбилармонлик муассасалар ҳисоботи ҳам тингланди.

Конференцияда партиявий фаолиятга оид бошқа бир қатор муҳим масалалар ҳам кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЮТУҚЛАР БОР, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ

О'zLiDeP Наовий вилоят кенгашининг навбатароқ конференциясида 2011-2015 йиллар давомида амалга оширилган партиявий-сиёсий ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, шаҳар ва туманлардан сайланган делегатлар, партия фаоллари, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этган тадбирда ўтган давр мобайнида партиявий фаолият самарадорлигини таъминлаш бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Натижада партия аъзолари сони салкам уч баробарга кўпайган ёки 18 минг 320 нафарга, бошланғич ташкилотлари сони 119 тага, партия аъзолари 1 минг 346 нафарга ошди.

Айтиш жоизки, партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига юборилган 285 та депутатлик сўровининг 112 таси, 109 та мансабдор шахс ҳисоботининг 65 таси ҳамда ўтказилган 70 та назорат-таҳлил фаолиятининг 41 таси бевосита таянч тузилмалар томонидан кўтарилган масалаларга тааллуқли. Аммо барча шаҳар ва туман кенгашлари қонқарли фаолият юритган, дейиш қийин. Жумладан, депутатлик гуруҳлари ишини самарали ташкил этиш, тадбиркорлик субъектлари ва фермерларни партия сафларига кен жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари

ХУДУДИЙ

ясида 2011-2015 йиллар давомида амалга оширилган партиявий-сиёсий ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, шаҳар ва туманлардан сайланган делегатлар, партия фаоллари, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этган тадбирда ўтган давр мобайнида партиявий фаолият самарадорлигини таъминлаш бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Натижада партия аъзолари сони салкам уч баробарга кўпайган ёки 18 минг 320 нафарга, бошланғич ташкилотлари сони 119 тага, партия аъзолари 1 минг 346 нафарга ошди.

Айтиш жоизки, партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига юборилган 285 та депутатлик сўровининг 112 таси, 109 та мансабдор шахс ҳисоботининг 65 таси ҳамда ўтказилган 70 та назорат-таҳлил фаолиятининг 41 таси бевосита таянч тузилмалар томонидан кўтарилган масалаларга тааллуқли. Аммо барча шаҳар ва туман кенгашлари қонқарли фаолият юритган, дейиш қийин. Жумладан, депутатлик гуруҳлари ишини самарали ташкил этиш, тадбиркорлик субъектлари ва фермерларни партия сафларига кен жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари

дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш масалаларига етарлича аҳамият қаратилмаётган. Шунинг оқибатида партия фаолияти таъминлаш мақсадида ўтган йилги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш масалаларига етарлича аҳамият қаратилмаётган. Шунинг оқибатида партия фаолияти таъминлаш мақсадида ўтган йилги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш масалаларига етарлича аҳамият қаратилмаётган. Шунинг оқибатида партия фаолияти таъминлаш мақсадида ўтган йилги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш масалаларига етарлича аҳамият қаратилмаётган.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, шаҳар ва туманлардан сайланган делегатлар, партия фаоллари, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот вакиллари иштирок этган тадбирда ўтган давр мобайнида партиявий фаолият самарадорлигини таъминлаш бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Натижада партия аъзолари сони салкам уч баробарга кўпайган ёки 18 минг 320 нафарга, бошланғич ташкилотлари сони 119 тага, партия аъзолари 1 минг 346 нафарга ошди.

Айтиш жоизки, партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига юборилган 285 та депутатлик сўровининг 112 таси, 109 та мансабдор шахс ҳисоботининг 65 таси ҳамда ўтказилган 70 та назорат-таҳлил фаолиятининг 41 таси бевосита таянч тузилмалар томонидан кўтарилган масалаларга тааллуқли. Аммо барча шаҳар ва туман кенгашлари қонқарли фаолият юритган, дейиш қийин. Жумладан, депутатлик гуруҳлари ишини самарали ташкил этиш, тадбиркорлик субъектлари ва фермерларни партия сафларига кен жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари

дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш масалаларига етарлича аҳамият қаратилмаётган. Шунинг оқибатида партия фаолияти таъминлаш мақсадида ўтган йилги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш масалаларига етарлича аҳамият қаратилмаётган. Шунинг оқибатида партия фаолияти таъминлаш мақсадида ўтган йилги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш масалаларига етарлича аҳамият қаратилмаётган.

Ошкоралик ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтган конференция давомида кейинги пайтда партиявий фаолиятда йўл қўйилган айрим камчиликлар бўйича ҳам атрофлича фикр алмашилди. Жумладан, баъзи тадбирларнинг номигагина ўтказилиши кўзга ташланаяпти. Айрим партия маҳаллий ташкилотлари, шунингдек, БПТларда ташаббускорлик етишмаяпти. Конференцияда мафқуравий ва сиёсий таълим йўналишидаги ишларни талаб даражасида олиб бориш, БПТлар фаолиятини қучайтириш, депутатлик гуруҳлари билан қўйи бўгинлар ҳамкорлигида олиб бо-

риладиган ишларда аниқ амалий натижаларга эришиш, партия аъзолари сафини тадбиркор ҳамда фермерлар ҳисобидан кенгайтириш ва бошқа бир қатор долзарб масалалар юзасидан ўринли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мунозараларда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бухоро халқаро аэропорти директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Тоҳир Бахронов, «Тадбиркор аёл» уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Дилбар Ахмедова, О'zLiDeP фаоли Бехбуд Жумаев ва бошқалар сўзга чиқиб, сайловчиларнинг юсак ишонч партиянинг барча бўғинлари ходимларига катта масъулият юклаши, электорат манфаатлари йўлида қатъият билан иш олиб бориш зарурлигини таъкидладилар.

Конференцияда О'zLiDeP вилоят партия ташкилот кенгаши ҳамда назорат-тафтиш комиссиясининг янги аъзолари сайланиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

АНИҚ АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

О'zLiDeP Дастурида партия ўз олдига қўйган мақсадларга аниқ амалий ишлар, электорат вакиллари, фуқаролар манфаатларини ифодалайдиган изчил сиёсат юритиш орқали эришиши белгилаб қўйилган. Сирдарё вилоят партия кенгаши конференциясида ушбу фикрга яна бир бор ургу берилиб, ҳисобот даврида худудий ва маҳаллий ташкилотлар томонидан ғоявий-сиёсий соҳада муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

— Замон билан ҳамнафас бўлиш муҳим сиёсий бурчимиздир. — деди вилоят кенгаши раиси Собиржон Назаров. — Бу эса зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Ҳисобот даврида сафдошларимиз сони 8233 нафардан 10394 нафар-

ҲАРАКАТ БОР ЖОЙДА АЛБАТТА НАТИЖА БЎЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Шухрат РАҲИМОВ, «XXI asr»

Шу боис О'zLiDeP томонидан ёшлар манфаатларини ифодолловчи ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ҳисобланади. Мазкур лойиҳа «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан 2010 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда.

О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан «Диплом билан — бизнесга-2015» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларнинг вилоят босқичи ўтказилди. Унда 12 та туман ва Жиззах шаҳридан 130 нафар битирувчи ўзларнинг қандолатчилик, кондитер маҳсулотларини, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сутни қайта ишлаш, мебель ишлаб чиқариш, иссиқхона ташкил этиш, тикувчилик, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер-мобиль телефонларни таъмирлаш ва дастурлаш, қурилиш материаллари, полиэтилен труба-лар ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш, сервис ва қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, асаларичилик соҳаларини ривожлантириш борасидаги бизнес-режалар билан қатнашди.

— Битирувчилар ўртасида ўтказиб келинаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларнинг катта қизиқишга сабаб бўлмоқда, — дейди О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Олим Норжигитов. — Хўш, ўтган йилларда мазкур лойиҳада қанча ёшлар иштирок этди? Уларга банклар томонидан қанча кредит ажратилди ва натижада нечта иш ўрни яратилди? Айтиш жоизки, 2010 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур лойиҳада Жиззах вилоятдан жами 2107 нафар

ёш иштирок этиб, шулардан 134 нафари жами 660 миллион 685 сўм миқдорда имтиёзли кредит олиши натижасида 230 га яқин янги иш ўрни яратилди. Бу йилги икки кўнлик ўқув-семинарда қатнашган 130 нафар битирувчига бизнес-режасини амалга ошириш учун умумий қиймати 800 млн. сўм миқдордаги молиявий маблағ ажратилиши ва 200 га яқин иш жойи очилиши кутилмоқда. Шунингдек таъкидлаш керакики, бу йилги лойиҳада Жиззах вилояти бўйича 945 нафар тадбиркорликка қизиқиши бор талаба иштирок этди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, ўтган 2014 йилда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг кўйи босқичлари доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда вилоят миқёсида таълим муассасаларининг 860 нафар битирувчи босқич талабалари ўз лойиҳалари билан қатнашиб, 67 нафар ёшга 372 млн. сўм миқдорда имтиёзли микрокредитлар берилиши туфайли 117 та янги иш ўрни яратилди.

— Мен бошланғичдан тикувчиликка қизиқман. Ўқишдан буш вақтларимда дугоналаримга ҳар хил либослар тикиб бераман. Оилада онам, опам, синглим ва мен тикувчилик билан шуғулланамиз. Шу боис ҳам мен оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш мақсадида О'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга-2015» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарда «Тикувчилик фаолиятини ташкил этиш» бўйича бизнес-режа билан қатнашдим. Партиянинг ёшларни тадбиркорликка жалб этувчи мазкур лойиҳаси менга ўз бизнесимни йўлга қўйиш учун қулай имконият яратиб берди, — дейди Жиззах туман маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси **Камола Рустамова**. — Ўқув-семинарда биз тадбиркорлик лойиҳаларининг банклар орқали молиялаштирилишининг ҳуқуқий асослари, кредитларни расмийлаштириш, суғурталаш жараёнлари, солиқ имтиёзлари ҳақида маълумотлар олдик. Тадбир



яқунда «Микрокредитбанк»нинг 5,9 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатини қўлга киритдим.

— О'zLiDeP лойиҳаларида иштирок этган ёшлар имтиёзли кредитлар эвазига ўз бизнесини йўлга қўйишга мўваффақ бўлмоқдалар. Партия томонидан ўтказилаётган турли тадбирлар ўз тадбиркорлигини ташкил этмоқчи бўлган ёшларга жуда катта ёрдам берапти, — дейди Мирзачўл агроинтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабаси **Ойгул Бурхонова**. — Мен «Диплом билан — бизнесга-2015» лойиҳасининг вилоят босқичида «Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш» бўйича лойиҳам билан қатнашдим. «Микрокредитбанк»дан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритдим. Энди банкдан 7 млн. сўм кредит олиб, қандолатчилик ва кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган маҳсул ускуна ва печлар харид қиламан...

Ўқув-семинарда назарий билимларни олиш баробарида амалий билимларни бойитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ёшларга ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан жойларда учрашувлар ташкил этилиб, улар фаолияти билан яқиндан

танишиш имкони яратилмоқда. Шунингдек, тижорат банклари томонидан иштирокчилар лойиҳалари молиялаштирилиб, нафақат ўз бизнесини бошлашга, балки янги иш ўринларини яратишга ҳам эришмоқдалар.

— Мен яшаётган Дўстлик туманида мебель ишлаб чиқарадиган ва қайта таъмирлайдиган устакхона еки биронта кичик корхона йўқ. Ҳозирги кунда бизнинг ҳудудда мебелларни таъмирлаш ҳамда янги мебеллар сотиб олишга талаб катта. Аҳоли мебель сотиб олиш учун 60 километр йўл босиб, шаҳар марказига бориши керак. Аҳолининг мушкулени осон қилиш учун мебель ишлаб чиқарадиган ва қайта таъмирлайдиган кичик корхона очишга қарор қилдим, — дейди Дўстлик иқтисодий коллежи талабаси **Муҳаммаджон Нарзуллоева**. — Шунинг учун ҳам О'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга-2015» лойиҳасида «Мебель ишлаб чиқариш ва қайта таъмирлаш» бўйича бизнес режа билан қатнашдим ва «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатини қўлга киритдим. 23 млн. сўмлик кредит эвазига мебель ишлаб чиқариш ва қайта таъмирлашни йўлга қўяман.

Депутатлик сўрови

Самарқанд вилоятида О'zLiDePдан сайланган депутатлар ўз ваколатлари доирасида фермерлар муаммоларини ўрганиш ва ечимини топишга алоҳида эътибор қаратишяпти

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

Бугун маҳаллий кенгашларда жами 197 нафар О'zLiDeP депутати фаолият юритаётди. Жорий йилнинг ўтган беш ойда ҳудудлардаги 16 та депутатлик гуруҳи томонидан тегишли идораларга 150 дан зиёд депутатлик

самара бераётди. Жумладан, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ҳудудда тупроқ унумдорлигини ошириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш, замонавий агротехнологияларни жорий қилиш ҳолати юзасидан қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг ҳисоботи тингланиб, долзарб

бошқа ҳужжатлар тушунтирилиб, тарқатилмоқда. Бу тажриба, ўз навбатида, уларни фаолликка, сайловчилар муносабатларини пухта ўрганиб, вақтида ижобий ҳал қилиш, энг муҳим масалаларни сессияларга олиб чиқишларида яхши самара бермоқда.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Бугунча вилоят ҳамда ҳар бир туман ва шаҳардаги партияимиз гуруҳлари томонидан ўртача 3-4 тадан соҳа раҳбарининг ҳисоботлари эшитилди. Уларда кун тартибидagi масалалар атрофида муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

— Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг ҳисоботини эшитганимизга кўп бўлмади, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Бахтиёр Хўжаёров. — Унда аграр тармоқдаги катта ўзгаришлар билан бирга фермер хўжалиқларидаги мавжуд муаммоларга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Партия электорати манфаатларини ифодолловчи бир неча тақлиф берилди. Шунингдек, соҳага оид комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳусусида ҳам ўз мурожаатларимизни билдирдик.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, партия ташкилотлари ва маҳаллий кенгашларнинг бундай ҳамкорлиги электорат вакилларининг долзарб масалаларини ваколатли идораларга етказишда ижобий натижа бера бошлади.

сўрови йўлланди. 30 дан зиёд фермер хўжалигининг муайян масаласи ижобий ҳал этилди.

— Қишлоқ мулкдорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири турли корхона ва ташкилотлардан ундирма олимаётган қарзлардир, — дейди халқ депутатлари Нуробод туман кенгаши О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Холмурод Сориев. — Масалан, «Нурли Агрон» фермер хўжалигининг 7 млн. сўм, «Асрорин» тилло тошининг 7,5 миллион сўмлик ҳақи қайта ишлаш корхоналари томонидан ҳеч бир асосий тўланмай келинган. Депутатлик гуруҳимиз арашуви билан муаммо қисқа фурсатда ҳал этилди.

Бу каби масалаларга ечим топишда партия депутатлик гуруҳлари томонидан режалар асосида ижроия идоралари раҳбарлари эшитивлари ташкил этилаётгани ҳам яхши

мавзу — ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда фермерлар фаолиятида учраётган баъзи муаммоларнинг атрофида муҳокама этилган ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлди.

— Депутатлар орасида биринчи бор сайланган, муайян тажрибага эга бўлмаганлар ҳам кўпчилигини ташкил этади, — дейди О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгашининг депутатлик бирлашмалари билан ишлаш сектори мудири Нодир Жўраев. — Шу боис аниқ режа ва мавзу асосида семинарлар ташкил этиб, уларнинг тажрибаларини бойитишга ҳаракат қилаёмиз. Бу тадбирларда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатларининг мақоми, ваколатларига доир қонунлар, депутатлик назоратини ташкил этишга оид йўриқнома ва улар фаолиятида зарур бўладиган

КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

га кўпайди. Уларнинг миң нафарга яқини ёшлар. БПТлар сони 448 тага етди. Маҳаллий ҳокимият, фуқаролик институти ҳамда бошқа уюшмалар билан ҳамкорликда жойларда 300 дан ортқ гоёвий-сиёсий тадбир ташкил этилди. Корхоналар, жамоат ташкилотлари, таълим муассасаларида ўтказилган учрашувлар давомида асосий эътибор амалдаги қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари мазмун-моҳиятига қаратилди. Шубҳасиз, бу каби мулоқотлар ҳусурий сектор вакилларининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, О'zLiDeP фаолияти тўғрисида кенроқ ахборотга эга бўлиш имконини берди.

Бугунги кунда вилоятда кичик бизнес корхоналари 5910 тани, деҳқон ва фермер хўжалиқлари 5699 тани, экспорт-импорт билан шуғулланувчи корхоналар сони 108 тани, қўшма корхоналар эса 39 тани ташкил этмоқда. 320 миңдан ортқ киши бевосита иқтисодий соҳада банд. Бу каби ютуқларга эришишда О'zLiDeP вилоят кенгаши ҳамда унинг қўйи ташкилотлари томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам муҳим аҳамият касб этганлиги шубҳасиз.

Жойларда оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначилик тобора ривожланиб бораётди. Вилоят партия кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқени ошириш бўлими шунини ҳисобга олиб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ибратли ташаббусларни оммалаштириш юзасидан бир қатор лойиҳаларни амалга оширди. Аёлларнинг ишбилармонлик фаолиятини кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга тобора катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Жумладан, ўтган йили фаол, ишбилармон опа-сингилларимизга банклардан 304 миллион сўмдан ортқ кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ёшлар билан ишлаш бўлимининг «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» каби лойиҳалари ҳам тобора кенг қамров касб этмоқда. Бунинг билан бир ҳафта ва туман мисолида кўриш мумкин.

Шу билан бирга, бу йўналишда такомиллаштирилиши лозим жиҳатлар ҳам йўқ эмас. O'zLiDeP Мирзаобод туман кенгаши томонидан ўтказилган амалий семинарда ана шу мавзу қаторида аҳолининг партиямиз дастурий мақсадларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашда БПТларнинг ўрни, хусусан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорликка йўналтириш орқали бандлигини таъминлаш борасида БПТ салоҳияти ва депутатлар ваколатларидан унумли фойдаланиш ва бошқа долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши, туман ва шаҳар партия ташкилотлари маъсۇл ходимлари, партиямиз депутатлик гуруҳлари аъзолари қатнашди.

Иштирокчилар дастлаб ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, партия лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишлар билан бевосита танишдилар. Улар «Зар Замин Нур» кўп

тармоқли фермер хўжалигида бўлишди. Хўжалик раҳбари Шокир Давлатов фаолларни иш юритиш услублари билан таништирди, келгусидаги режалари билан ўртоқлашди.

Ўтган йилни фермер хўжалиги катта ютуқларга эришган ҳолда яқунлади. Пахта, галла топшириш йиллик режаси ортинги билан уддаланди. Ҳозир 57 гектар ерда гўза ниҳоллари агротехника талаблари асосида парвариш қилинмоқда. «Зар Замин Нур» бу йил ҳам илғорликни кўлдан бермай вилоятда биринчилардан бўлиб галла топшириш йиллик режасини ортинги билан уддалади. Айни кунларда фермер даласида галла ўрми-йиғими қизгин давом этапти. Бундан ташқари, хўжаликка қарашли 3 гектар бодага 500 тўдан зиёд турли мевали дарахт кўчатларидан мўл ҳосил олинган. 100 бошга яқин парранда, 25 бош қўй, 15 бош соғин ситир ҳам жамоа аъзолари оилаларининг тўқилгини таъминляпти. 10 нафар ёш доимий, 30 нафари эса мавсумий иш ўрнига эга.

Шундан сўн семинар иштирокчилари «Муфаррат Мунис» хусусий биолобаториясида ташкил қилинган БПТ фаолияти билан яқиндан танишди. — Биолобаторияни 2006

йилнинг февраль ойида ташкил қилганмиз, — деди биолобатория мудири, туман кенгаши аъзо бўлган кишининг сиёсий соҳибии Жумагул Норбоева. — Худуддаги «Янгиобод», «Тошкент», «Беруний», «Мирзаўл», «Мустақиллик» сув истеъмолчилари уюшмаларига қарашли 2000 гектардан зиёд экин майдонларига биохимикат кўрсатиб келаямиз. Лабораториямизда 4 нафар йилгит-қиз доимий иш билан таъминланган. Шунингдек, 20 нафар ёш мавсумий ишларга жалб қилинган. 2006 йилдан ҳозирги кунга қадар 200 нафар дала назоратчиси тайёрланди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари «Мирзаобод пилла» МЧЖда ҳам бўлишди. «Мирзаобод пилла» МЧЖдаги БПТ фаолияти, пилла маҳсулотини қабул қилиш жараёнлари билан яқиндан танишди.

— Сиёсий куч атрофида бирлашган фуқаролар партиясининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда сайловчилар манфаатини ифода этишда зиммаларидаги маъсулиятни ҳис қилиб меҳнат қилишмоқда, — деди халқ депутатлари Мирзаобод туман кенгаши депутати, «Мирзаобод пилла» МЧЖ БПТ раиси Ҳабибулла Сулаймонов тадбир иштирок-

чиларини ўз иш фаолияти билан таништираркан. — Шунинг унутмаслик керакки, партияга аъзо бўлган кишининг сиёсий куч тўғрисидаги илк тасавури, қарашлари айнан бошланғич ташкилотда шаклланади. Унинг партиявий ишларда қанчалик фаол бўлиши ҳам БПТга боғлиқ.

Маъзур корхонада ташкил қилинган БПТ бурчаги иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир асносида Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий ҳисоб-хўра қолжеги битирувчиси Махфуза Умировага имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Махфуза «Диплом билан — бизнес-2015» лойиҳасининг вилоят босқичида ўзининг чорвачиликни ривожлантириш йўналиши бўйича тайёрлаган бизнес гоъси билан муваффақиятли иштирок этганди.

«Зар Замин Нур» фермер хўжалиги иш юритувчиси Жаҳонгир Қудратов Шокир ўғлига партияга аъзолиги гувоҳнома маси тақдим қилинди. Партиямизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда фаол иштирок этган Мирзаобод туман кенгаши депутатлари фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

Ваъдаларни амалий ишларга кўчирайлик

Бугунги кунда халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашида O'zLiDePдан сайланган 17 нафар, туман ва шаҳар кенгашида эса 90 нафар депутат фаолият юритмоқда. Улар саъй-ҳаракатлари билан жорий йилда 15 мартаба депутатлик эшитиш ташкил этилди, шунингдек, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан тегишли идораларга депутатлик сўровлари йўланди. Депутатлар диққатини жалб этган масалаларнинг кўпчилиги бошланғич партия ташкилотлари томонидан кўтарилганлиги алоҳида эътиборга молик. O'zLiDeP Қизилтепа туман кенгашида бўлиб ўтган семинарда ана шу маълумотлар ҳам тилга олинди. Хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш истагини касб-ҳунар коллежалари битирувчиларини партиявий вазифалар билан кўллаб-қувватлаш ва бошқа долзарб масалалар кўрилган тадбирда депутатлар, БПТлар фаоллари қатнашдилар. Мулоқотда депутат ваколатлари ва мақом, шунингдек, депутатлик назоратини амалга ошириш, мансабдор шахслар ҳисоботлари эшитишни ташкил қилиш, жойлардаги муаммоларни аниқлаш, ўрганиш ва ҳал қилишда бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш хусусида атрафилига сўз юритилди.

— Сайловолди платформасида партиямиз иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш, хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, уни ишончли ҳимоя қилиш тизимини яратиш учун ҳаракат қилиши белгиланган, — деди ўз сўзида туман кенгаши депутати Аваз Рўзиев. — Ваъдаларни амалий ишларга кўчириш, сайловчилар ишончини оқлаш учун бизга барча шарт-шароит яратилган, тегишли ваколатлар берилган. Яқинда маҳаллий кенгаш депутатларининг қуйи бўғинлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш тизимининг замон талаби даражасида такомиллаштирилиши ҳам айни муддао бўлди. Бу ташаббус партия вакилларининг ўз округидаги БПТлар билан алоқалари доимийлиги ва тизимлигини таъминлашга хизмат қилапти. Натижада жойлардаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этиш имконияти кенгаймоқда. Семинарда бу борада тўланган ўзига хос тажриба ҳам тингловчилар эътиборига ҳавола этилди.

Б.ИСРОИЛОВ.

ИЖТИМОЙ ЭЪЛОН

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМПАНИЯЛАРИДА МАЛАКА ОШИРИШ ДАСТУРИГА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилатган «Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури (МТР) — Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари раҳбарларининг салоҳиятини ошириш» лойиҳаси (қуйида Лойиҳа деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Европа Иттифоқи корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари менежерлари малакасини ошириш учун аризалар қабул қилиниши эълон қилади. Малака ошириш Европа Иттифонининг 28 мамлакатидоки корхоналарда амалда оширилиб, улар ўзаро келишув асосида иштирокчилар ёки Лойиҳа томонидан танлангани мумкин.

Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда кичик бизнесни самарали бошқариш ва унинг ўзук келажакидаги барқарор ривожланишини таъминлашга қодир малакали ва салоҳиятли тадбиркор ҳамда менежерлар сонини кўпайтиришдан иборат. Бу босқичда қўйилган мақсадда Европа корхоналарида Ўзбекистондаги кичик бизнес раҳбарларининг малакасини ошириш орқали эришилади.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш дастури лойиҳасининг мақсади Ўзбекистонлик менежерларнинг бошқарув кўникмаларини ошириш, уларни бизнесни бошқариш ва юриштининг европача усулларига ўқитиш, Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнаттиришдан иборат. Барча номзодлар малака ошириш сафарига иштирок этишдан қўзланган мақсадни аниқ кўрсатиши ҳамда бу унинг ва корхонасининг ривожига қандай ижобий таъсир кўрсатишини қайд этиши лозим.

Лойиҳа тренинг ва малака оширишларида иштирок этиш танланган иштирокчилар учун бепул амалга оширилади. Транспорт билан боғлиқ барча харажатлар (авиачипта учун 400 евро микдоридagi шахсий тўловдан ташқари), шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш, визалар, сугурта лойиҳа маблағлари эвазига қопланади.

Барча талабларга жавоб берадиган кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари / менежерларини малака ошириш учун ариза

топириш ҳуқуқига эга.

Кичик бизнес корхоналари ва уларнинг раҳбарлари /менежерлари учун талаблар (ва керакли ҳужжатлар) ҳамда лойиҳа янгиликлари лойиҳанинг веб-саҳифасида www.mtpeu.uz ва Facebook саҳифасида https://www.facebook.com/mtpeu баттафил кўрсатилади.

Номзодлар аризаларни 2015 йилнинг 22 июлига қадар қабул қилинади. Аризаларнинг онлайн шакли лойиҳанинг веб-саҳифасида жойлаштирилган.

Махсус изох: танлов жараёни гендер тенглиги масаласини ҳисобга олган ҳолда камиди 20 фоиз аёл-номзодларни танлаб олишни кўзда тутди.

Қўшимча маълумотлар учун: БКГД (МТР) лойиҳасининг бошлиғи жаноб Григорнос Конт-зоглу

Манзил: Тошкент ш., 100047, Амир Темур кўчаси, 4. Тел.: (99871) 233 59 01. Факс: (99871) 233 64 06. E-mail: mt@mtpeu.uz. Web-sahifa: www.mtpeu.uz

Муҳим саналар

2003 йил 4-5 ОКТАБР. БИР ГУРУХ ТАШАБУСКОРЛАР — КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАРДАН ИБОРАТ МУЛКДОРЛАР ҚАТЛАМИНИНГ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРИ ҲАМДА БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТАДИГАН ВА ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН УМУММИЛЛИЙ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ, ЯЪНИ ПАРТИЯ ТУЗИШИ ТАШАБУСИ БИЛАН ЧИҚИШДИ.

2003 йил 7 ОКТАБР. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ УШБУ ТАШАБУСКОР ГУРУХ АЪЗОЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ.



ЖАРАЁН

ЎЗБЕКИСТОНДА 1,4 ТОННА НАРКОТИК МОДДАЛАР ЙҲҚ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги заводлардан бирида наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган катта миқдордаги гиёҳванд моддалар йҲқ қилинди. Тадбир Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмолад қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш қуни арафасида ўтказилди

Жорий йилда 775 килограмм олий, 309 килограмм марихуана, 133 килограммдан зиёд героин, 93 килограммдан ортиқ наша, 84 килограмм кўкнори, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори ва наша ўсимлиги, таблетка ва эритмалар шаклидаги гиёҳванд моддалар ёқиб юборилди.



Тадбирда БМТ, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг масъул ходимлари, экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Судларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик воситаларни махсус печларда ёқиш орқали йҲқ қилиш амалиёти мамлакатимизда 1994 йил май ойидан буён қўлланиб келинмоқда. Утган вақт давомида мамлакатимизда жами 54 тонна гиёҳванд воситалар ёқиб юборилди ва бунинг натижасида миллионлаб инсонлар ҳаёти асраб қолинди.

— Ҳар йили наркотик моддалар бутун дунёда 200 мингдан зиёд кишининг умрига зомин бўлмоқда, жиноятчилар эса ушбу «заҳри қотил»ни сотишдан миллионлаб доллар даромад олмақда, — деди БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси раҳбари Ашита Миттал. — Наркотик моддалар савдоси трансчегаравий муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш учун ҳам миллий, ҳам давлатлараро даражада қатъий ҳамда ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар кўриш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, 2014 йилда мамлакатимизда қарий 2,3 тонна наркотик воситалар мусодара қилинган. «Қорадори — 2014» операцияси давомида таркибда гиёҳванд моддалар бўлган ўсимликлар экилгани ҳақида 1125 ҳолат аниқланган. 2014 йилда гиёҳванд моддалар олди-соттиси билан шуғуллангани учун кўлга олинганлар орасида МДХ, Осиё ва Европа давлатларининг 100 нафар фуқароси ҳам бор. Улардан 133 килограммдан зиёд гиёҳванд модда, 1530 психотроп таблетка ва прекурсорлар мусодара қилинди.

Таъкидлаш жоизки, аниқланган ҳар бир жиноят — бу Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биргалликдаги саъй-ҳаракатлари натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси тизими-

да наркотикларга қарши курашиш бўйича махсус бўлинмалар фаолият кўрсатмоқда.

Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги акадემияси ва Олий ҳарбий божхона институтида махсус каффедралар фаолият кўрсатмоқда. Давлат божхона қўмитаси таркибда илғор технологиялар бўйича кинолог мутахассислар ва қидирув-хизмат итларини тайёрлайдиган ҳамда ўқитадиган Миллий кинология маркази ташкил этилган. Сўнгги йилларда мамлакатимиздан уч мингдан зиёд мутахассис халқаро лойиҳалар доирасида хорижий давлатларда ўқиб, малакасини ошириб келди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ташкил этилган Психоактив моддаларни суиистеъмолад қилиш соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш маркази бу борада тегишли маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш билан шуғулланмоқда. Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказида, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таҳлил бошқармаларида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши бўйича ахборот-таҳлил тизими фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Миллий идоралараро маълумотлар базаси тизимини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилаётир.

Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг маҳорати ва мавжуд моддий-техник имкониятлар кўпайиб ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим омили бўлмоқда. Масалан, 2014 йили давлат чегараси орқали наркотиклар контрабандаси канални ташкил этиб, катта миқдорда гиёҳванд моддалар олиб ўтาดиган бир қанча минтақаларро гуруҳлар фаолиятига чек қўйилди.

Шундай гуруҳлардан бирининг

Ўзбекистонда наркотик моддалар ишлаб чиқаришининг ҳомашё базаси йҲқ қилинди, гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятлар сони ҳамда наркомания касаллиги кўрсаткичи йил сайин камайиб бормоқда. Масалан, 2014 йил 2013 йилга нисбатан гиёҳвандликка мубтало бўлган 18-19 ёшдаги беморлар сони 7,2 марта камайди.

Мамлакатимизда қабул қилинган Наркотик моддаларни суиистеъмолад қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури ўз самарасини бераётир. Бу эса Ўзбекистон халқаро ташкилотлар фаолияти доирасида наркотикларга қарши курашиш бўйича зиммасига олган мажбуриятларни, имзоланган икки ва кўп томонлама шартномаларни тўлиқ бажараётганидан далолат беради.

Ўзбекистон гиёҳванд моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг аъзосидир. Мамлакатимиз Марказий Осиё наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази ишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Тошкентда БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти, Интерпол ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада ахборот ва тажриба алмашинаётгани гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши минтақавий ва халқаро даражада курашишда муҳим омили бўлмоқда.

Наркотикларни ёқишга бағишланган бу галги маросим мамлакатимизнинг ушбу глобал муаммага нисбатан қатъий позициясини яна бир бор намоён этди. Мазкур тадбирнинг гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича олий доирасида ўтказилгани кенг кўламли тушунтириш ишларининг самарадорлигини янада оширмоқда.

Ойлик доирасида гиёҳванд моддаларни суиистеъмолад қилишнинг фожиабли оқибатларига бағишланган туркум эшиттириш ва кўрсатувлар эфирга узатилиб, босма ва электрон нашрларда мақолалар эълон қилинаётди. Меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳаллалар, болалар ёғзи оромоҳлари, клубларда давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Наркотикларни ёқиш маросимида халқаролик ва мамлакатимиз экспертлари барчани гиёҳванд моддаларга қарши курашишда янада жипслашишга чақирди. Зеро, инсониятга таҳдид солаётган энг ёвуз хавфга қарши курашишда давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг яқин ҳамкорлигини қўлдан қўйиш натижаларга эришиш мумкин.

Сардор ТОЖИЕВ, Ў.А.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, ислохотларимизнинг янги босқичида оммавий ахборот воситаларининг суд ҳоқимияти билан ўзаро муносабати масаласи алоҳида диққат-эътибор қаратишни талаб этади. Зеро, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништирилиб ва ёритилиб борилиши зарур

репортаж ва суд очерклари тайёрлашда муҳим урин тутаётир.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, журналистлар иштирок этган тадбирда суд

Ҳуқуқий журналистика истиқболлари

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Суд ҳоқимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати: бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзусида ташкил этилган семинарда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни такомиллаштиришга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Х.Ёдгоров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримовнинг бевосита раҳбарлигида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилганини таъкидлади.

Бу жараёнда ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг муҳим шарт бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалиётга орий этилди. Ярашув институту жорий этилганлиги туфайли 160 мингдан ортиқ шахс ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Шунингдек, судларда



ишларни кўриш жараёнида етказилган зарар қоплангани сабабли 30 мингдан ортиқ кишига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.

Соҳадаги ижобий ўзгаришлар, инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг изчил таъминланаётгани оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиб борилмоқда.

Бу мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги Конституция ва қонунлар билан қўллаб-қувватланиши натижасидир. Суд мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги ислохотлар самарадорлигини оширишда ҳуқуқий нашрлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Миллий матбуотда янги йўналиш — ҳуқуқий журналистика шаклланиши соҳага оид қизиқарли ва ишончли ахборот, мақола, лавҳа,

ҳоқимиятининг очиклиги — ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим шароити, суд ҳоқимияти ва ОАВ муносабатининг ҳуқуқий асослари, судлар фаолиятида ошқораликни таъминлашда ОАВнинг ўрни, суд-ҳуқуқ ислохотларини ёритишда журналист маҳорати каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари судлардан ахборот олиш, суд жараёнида ОАВ вакилларининг иштироки, суд-ҳуқуқ соҳасида ижод қилувчи журналистларнинг ихтисослашуви, касб маҳоратини ошириш ва хорижий мамлакатларнинг суд ҳоқимияти билан ОАВ муносабатларига доир тажрибаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этиши билан боғлиқ мулоҳазаларини билдирди.

Одам савдосидан сақланинг!

Бугунги кунга келиб халқаро терроризм, наркотраффик ва одам савдоси сингари трансмиллий афсусларнинг инсонлар ҳаётига таҳдид солаётгани босм уллардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликини ташкил этмоқда. Худуд ва чегара билмайдиган бу жиноятларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф тўғдирмоқда. Улар орасида, айниқса, одам савдоси каби оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажакига раҳна солмоқда

Улбосун РЕЙМНАЗАРОВА, Миробод энгил саноат ва сервис коллежи ўқитувчиси

Афсуски, мазкур муаммо бугунги кунда глобал характер касб этмоқда. Сайёрамизнинг турли бурчакларида одам савдосининг ўсиши кузатила-япти. Ҳар йили жаҳон миқёсда жами 2 миллион 700 миң киши ушбу жиноят қурбонига айланади. Рақамларга мурожаат қилганимиз бўлса, биргина АҚШда одам савдосидан олинган даромад 7 млрд. долларни ташкил этади. Дунё бўйлаб ҳар йили афдор ва таъминлиги бўлиб 800 миң қиз ва бола хорижий мамлакатларга олиб ўтилди. Муаммонинг глобал характерини инобатга олиб, шахсининг эркинлиги ва дахлсизлиги тамойили халқаро ҳамжамиятнинг асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган. Хусусан, 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 3-моддасида «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга», деган норма белгиланган.

Одам савдосига қарши кураш самарадорлиги ушбу муаммони нафақат халқаро даражада, балки миллий қонунчиликда ҳам ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этмоқда. Шу маънода мамлакатимизда 2008 йилда «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун қуча қирди. Бу миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш учун хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаришга шарт-шароит яратмоқда. Мазкур ислохотларнинг узвий давоми сифатида эса Президентимизнинг «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилин-

ди. Шунингдек, одам савдосига қарши кураш Республика идораларидан комиссия ташкил этилди.

Маълумки, ушбу жиноятдан жабрланганларни иктымий реабилитация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Меҳнат ва аҳолини иктымий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида одам савдосидан жабр қўрганлари ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатиш Республика реабилитация маркази ташкил этилди. Айни вақтда мазкур марказ изчил фаолият юритмоқда. Иктымий реабилитация инсонларни нормал ҳаётга қайтариш мақсадига амалга оширилиб, у одам савдоси қурбонларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларни руҳий, тиббий, касбий реабилитация қилиш, ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик уй-жой беришни ўз ичига олади. Ёрдам кўрсатувчи ва ҳимоя қилувчи муассасалар одам савдоси қурбонларининг нормал ҳаёт тарзига қайтишида ва ўзини тўла ҳуқуқли эркин инсон сифатида англашишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда одам савдоси қурбонларини аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ролини ошириш билан бирга ушбу жиноятчиликда ҳам ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этмоқда. Шу маънода мамлакатимизда 2008 йилда «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун қуча қирди. Бу миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш учун хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаришга шарт-шароит яратмоқда. Мазкур ислохотларнинг узвий давоми сифатида эса Президентимизнинг «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилин-

ган чора-тадбирларга қарамай, айрим ватандошларимиз, баъзан аёлларнинг одам савдоси қурбонларининг нормал ҳаёт тарзига қайтишида ва ўзини тўла ҳуқуқли эркин инсон сифатида англашишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда одам савдоси қурбонларини аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ролини ошириш билан бирга ушбу жиноятчиликда ҳам ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этмоқда. Шу маънода мамлакатимизда 2008 йилда «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун қуча қирди. Бу миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш учун хизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон томонидан олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаришга шарт-шароит яратмоқда. Мазкур ислохотларнинг узвий давоми сифатида эса Президентимизнинг «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилин-

каби жиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи шарт-шароитларни бартараф этишга ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хусусан, партиянинг фаол аъзолари иштирокида бутун мамлакат бўйлаб кўп сонли учрашувлар ўтказилиб, хотин-қизлар ва ёшларга одам савдосининг хавфли жиҳатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилаётди. Ўқувчи ва олий ўқув юрти талабалари билан бирга маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Фойдаланиш учун қўлай бўлган ўқув, методик қўлланма ва буклетлар чоп этилаётир. Жўмладан, бизнинг Миробод энгил саноат ва сервис коллежида ҳам мазкур қўлланмалардан ёшлар билан ишлашда кенг фойдаланилаётди. Бундан ташқари, одамлар гавжум жойлар, жўмладан, автобус, темир йўл ва ҳаво транспорти бекатларида, давлатларнинг чегаралари кесилган назорат пунктларида одам савдоси жиноятининг хавфи ва оқибатларидан ҳабдордот этилиб плакат ва кўргазмалар воситалар ўрнатилганлиги бу борадаги ишлар кўламини кенгайтирмоқда.

Бир сўз билан айтганда, инсон тилик мавжудотлар орасида ақл-дрок берилган онгли мавжудот бўлиб, у ўтган замонларда ҳам овоз ва эркин яшашга ҳаракат қилган. Уни эридан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳамқи йўқлиги дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Шундай экан, бугунги кунда инсон шахси, шаъни, кадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинлигига жиддий таҳдид туғдираётган ушбу иллатга қарши барчамиз бир ёқадан бош чиқариб курашмоғимиз лозим. Ана шундагина қўтилган натижага эришамиз.

Эзгу мақсад мужассам

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан ташкил этилган анжуманда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилди

Нилуфар ЭЛИБОЕВА, Чилонзор туман банк-ҳисоб кредит коллежи инглиз тили ўқитувчиси

Хусусан, узлуксиз таълим тизими доирасида чет тилларни ўрганишда давлат таълим стандартлари, ўқув режалар ва дастурлар такомиллаштирилгани таъкидланди. Хорижий

тиллар бўйича дарслик ва ўқув-услубий мажмуаларни модернизациялаш бўйича PRESETT дастури асосида интеграллаштирилган ўқув режа ва дастурлари тўлиқ жорий этилди.

ЎЗДЖТУ ҳузурида Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий

маркази ташкил этилди. Марказ чет тилларни ўқитишнинг замонавий методикаларини ишлаб чиқиш ва халқаро тажрибани ўрганиш, таълим стандартлари ва меъёрий-услубий ҳужжатларни такомиллаштириш, CEFR тизимида баҳолаш, чет тилларни интерфаол усулда ўқиш каби йўналишларда

фаолият олиб бормоқда. Марказ 17 та олий таълим муассасасида такомиллаштирилган ўқув дастури бўйича бақалавар йўналишининг мутахассислик блокада 21 та модуль асосида билим олишини назорат қилиб бормоқда. Модуль тизимини яратиш бўйича жаҳон тажрибаси-

дан фойдаланган ҳолда умумтаълим мактаблари учун 1 та, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун 10 та ўқув дастури ишлаб чиқилди. Амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар замирида замонавий фирқрайдиган, кенг дунёқарашга эга ёш авлодини тарбиялаш мақсади мужассам, албатта.

О‘зLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси партиянинг қотибият мудири Соатмурод Қўлимйрзаевга падали бузуқкўери
Хўжааназар ҚўЛИМЙРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

О‘зLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши халқ депутатлари Қасби туман кенгаши депутати Турди Холмуродовга онаси **НАЗИРА МОМОН**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

СЎНГГИ САҲИФА

АНИҚ САВОЛГА АНИҚ ЖАВОБ!

— Қўша корхонага ишга жойлашадиган вақтимида иш бевури корхонага чет эл фуқаролари раҳбарлик қилаётганлиги сабабли йиллик меҳнат таътили 12 кунни ташкил этишини айтиди. Шу тўғрими?

Обиджон ҚОБИЛОВ, Сирдарё вилояти.

Бу нотўғри. Меҳнат кодексининг 5-моддасига мувофиқ, меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳолини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштириладиган шартлари ҳақиқий эмас. Меҳнат кодексининг 134-моддасига асосан ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик таътил берилиши назарда тутилган.

Саволга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мутахассислари жавоб беришди.

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

АҚЛИНГА БЎЙСУНИБ, САБР БИЛАН ИШ ТУТСАНГ, ОМАД СЕНГА ПЕШВОЗ ЧИҚАДИ.

Балтасар ГРАСНАН.



Тарал жаҳонга шарқ таронаси!

Муסיқа тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурган жойда янграйди. Ҳаётидан мамнун одамлар баланд овозда қўшиқ куйлайди. Эртанги кундан кўнгли тўқ халқ тўйлар қилади, байрам уюштиради

Нигора НИШОНБОЕВА, «XXI аср»

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган, ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро муסיқа фестивали дунёнинг энг нуфузли санъат анжуманларидан бирига айланди, десак муболаға бўлмайди. «Шарқ тароналари» ўтган давр мобайнида дунё санъат аҳли меҳрига сазовор бўлди. Бугунга келиб Самарқандда етти иқлим муסיқалари янграй бошлади. Жумладан, 1997

йилда 31 мамлакат иштирок этган бўлса, бу йилга келиб фестивалда оптимиздан ортиқ давлат вакиллари қатнашиш истагини билдирган.

Айни кунларда меҳмонларни кутиб олиш ва концерт дастурларини юқори савияда ўтказиш учун жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Самарқандда олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг кўламини изоҳлашга ҳо-жат йўқ.

— Иштирокчилар санъатини баҳолаш мезони сифатида ҳар бир халқнинг миллий жанрлари инobatта олинади,

— дейди ҳайъат аъзоси, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева. — Бундан ташқари, ижро маҳорати, овоз диапазони муҳим аҳамиятга эга. Ноёб йўналишда куйлаганларга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Анжуман доирасида «Шарқ халқлари муסיқа маданиятининг муштараклиги» мавзусида илмий конференция ўтказилади. Тасвирий санъат асарлари, тарихий либослар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари, мастер-класслар, ижодий учрашувлар уюштириш режалаштирилган.

ROYAL STEEL


ВСЕ ДЛЯ ВАШЕЙ КРЫШИ



Металлочерепица и профнастил



Аксессуары



Производство в Ташкенте

Тел.: (+99871) 272-17-02, (+99897) 703-72-72

Адрес: Учтена-26, ул. Максуда Шейхзады, дом 1 (ориентир — завод «АКФА»)



www.royalsteel.uz

Товар сертифицирован.

ЗА3 FORZA

Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте

Тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насыра, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ

«Сурхондарё синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп, дунё стандарти талаблари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг салмогини кўпайтиришда тадбиркорлар, фермерларга катта ёрдам бермоқда.

Корхонангиз ёки фермер хўжалигингизда ишлаб чиқарилаётган, қайта ишланаётган, шунингдек, импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификатига эга бўлишингизда, халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда малакали мутахассисларимиз, эксперт-аудиторларимиз Сизга яқиндан кўмак беришди. Мавжуд ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Азиз ишбилармонлар, қадрли истеъмолчилар!
Сиз (+99876) 227-01-89 рақамли «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилиб, ўзингизни қизиқтирган саволлар, фаолиятингиз билан боғлиқ барча масалалар бўйича жавоб олишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингиз ҳамisha диққатимиз марказида. Чунки биз хизматингиздамыз!

Манзилимиз: Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 41-уй.
Телефонларимиз: (+998 76) 227-01-89, факс: 227-06-10
e-mail: surhondaryossm@rasm.uz

«СУРХОНДАРЁ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ КЎРДОШЛАР!



«Асака» банк

қуйидаги муддатли омонат турларини тақлиф этади:

миллий валютада:	хорижий валютада:
<p>«ҚАДРИЯТ» Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>	<p>«ШОДИЁНА» (АҚШ долларларида) Омонатнинг сақланиш муддати 24 ой. Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«БАҲОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>	<p>«МАДАД» (АҚШ долларларида) Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«ФАРОВОН ТУРМУШ» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда аванс сифатида олдидан ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўланади.</p>	<p>«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда) Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.</p>
<p>«ТЕЖАМКОР» Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар бўйича тўловларга йўналтирилади.</p>	

Шу билан бирга, «Асака» банк қулай шартларда миллий ва хорижий валюталардаги 40 дан зиёд омонат турини тақлиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	225-44-03
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сергели филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Анджон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	224-00-16
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

- Сизнинг омонатларингиз:
 - солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
 - маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
 - эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
 - миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!

«Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси мутахассислари сифатли, рақобатбардош, истеъмолчилар учун манзур бўладиган, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп, дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлашни ташкил этган тадбиркорлар, вилоятдаги кўп тармоқли фермер хўжаликларига мувофиқлик сертификати олишда ёрдам беради.

Халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни корхонангизда жорий этмоқчимисиз? Малакали мутахассисларимиз, эксперт-аудиторларимиз Сизга бу борада ҳам яқин маслаҳатчи ва кўмакчи бўладилар.

Хонадонингиз ёки корхонангизга ўрнатилган ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

Муҳтарам тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!
Сиз «Қўқон синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг (+998 73) 543-11-13 рақамли «Ишонч телефони» ёки www.qoqonsm.uz веб-сайти орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин. Сизларнинг мурожаатингиз доимо эътиборимизда. Чунки биз хизматингиздамыз!

Манзилимиз: Қўқон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 1-А уй.
Телефонларимиз: (+998 73) 543-11-14. Факс: (+99873) 543-11-12
e-mail: qoqonsm@rasm.uz

«Қўқон СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ



БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотбият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI_AS@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 3319 Тираж: 10048

Баҳоиси келишилган нархда.

Топширилди — 20.00

Тахририятга келган кўпмаъра тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



Набатчилар: Б.ИСРОИЛОВ, С.ЗОИРОВ.